

## ПРДА АУДИТОРИЯНИ ТҮГРИ ТАНЛАЙ БИЛИШ АҲАМИЯТИ ВА УСУЛЛАРИ

**Мирзалиева Мұхаббат Рустам қызы**  
**ЎзЖОКУ 2 босқич магистранти**

**Аннотация:** Жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш ҳар бир ташкилот, бизнес фаолиятида асосий бажарилиши керак бўлган вазифалардан бири саналади. Лекин бу борада олиб борилаётган ишлар баъзи ҳолларда иш берса, баъзи ҳолларда бунинг акси кузатилади. Сабаб аудиоторияни түгри танлаб олинмаганлигида. Бунинг эса бир неча усуллари мавжуд. Түгри ва чуқур таҳлил асосида саралаб, аниқлаштириб олинган аудиоторияга мос контент орқали доим кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ҳар бир ташкилот ўз фаолияти билан аҳолини мунтазам таништириб бориши, фаолияти доирасидаги янгиликлардан боҳабар қилиши ва энг асосийси халқ билан мустаҳкам, шу билан бирга ишончли муносабатни ўрнатишида ПРнинг аҳамияти катта.

**Калит сўзлар:** Жамоатчилик билан алоқалар, ПР, аудиотория, коммуникация, контент, қадрият.

«Жамоатчилик билан алоқалар (ПР) – маҳсус бошқарув функцияси бўлиб, унинг воситасида ташкилот ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни ўрнатиш, турли муаммолар ва масалаларни ҳал этиш имкони яратилади; ташкилотнинг жамоатчилик фикри хақида хабардор бўлишига ва унга ўз вақтида жавоб беришига ёрдам беради; раҳбариятнинг асосий вазифаси – жамият манфаатларига хизмат қилишни белгилайди ва шунга эътиборни қаратади; бошқарувчиларни ҳар қандай ўзгаришга тайёр бўлишига ва бундан самара кўришларига ёрдам беради; хавфдан «эрта огоҳлантириш тизими» вазифасини бажаради ва нокулай тенденцияларни бартараф этишга ёрдам беради; тадқиқотларни ҳамда шаффоғ, ахлоқий меъёрларга асосланган муносабатларни асосий фаолият сифатида кўллади».<sup>55</sup>

ПР ҳар қандай йўналишда ҳар қачон керак бўладиган мураккаб ва долзарб структура саналади. Унинг асосий мақсадларидан бири ижобий муносабат ўрнатиш ва унинг оммавийлигини шакллантириб бу оқимни янада кенгайтириб боришдир. Бунда қадриятлар, мафкура мухим аҳамият касб этади. Яъни фаолият давомида кўзланган мақсадли аудиоторияни белгилаш ва уларнинг эътиборини кўзониш учун аввало қадриятларни

<sup>55</sup> Б.Алимов, Г.Нишонова, Г.Шукрова. Замонавий медиа мұхитида ПР. Тошкент - 2019

аниқ белгилаб олиш ва улар доирасидаги фаолиятни, коммуникацияни йўлга қўйиш талаб этилади. Бу гўё демократия каби. Демократия – қонунлар доирасидаги эркинлик бўлганидек, ПРда ҳам эркин ижод қилиш, ишлаш мумкин. Фақатгина қадриятлар доирасида.

Аҳоли билан алоқа ўрнатишида турли хил кўринишдаги замонавий контентлардан фойдаланишимиз мумкин. Жумладан, расм, видео, инфографика, савол-жавоб, матн ва ҳ.к. Буларнинг сонини яна давом эттириш мумкин, лекин ҳар бирининг асосида матн туради. Жамоатчилик билан алоқа ўрнатишида, ўзимиз ва фаолиятимиз ҳакида маълумот етказишида ёзма мулоқот ўрнатамиз. Лекин умумий мулоқот ўрнатиш турини санаб ўтганда уларнинг юқори топ ўринларидан ПР ўрин эгаллайди. Чунки бу йўналишнинг асосида мулоқот туради. Юқорида биз санаб ўтганларимиз эса, айнан шу мулоқотни ўрнатиш усуллари.

Жамоатчиликка компания/ташкилот/брэнд томонидан тақдим этилаётган ҳам бир матн, яъни ёзма коммуникация икки турга бўлинади. Буларнинг бири журналистлар учун бўлса, бири омма учун. Журналистлар учун берилаётган маълумотлар ҳам жамоатчилик билан алоқа ўрнатишнинг бир усули ҳисобланади аслида. Лекин биз улар учун маҳсус ташкиллаштириладиган тадбирларни, пресс-релиз, конференция умуман олганда ўзимиз ҳакимизда танитиш, хабар бериш ва ёки эслатиб ўтиш учун амалга оширадиган ҳар бир ҳаракатимиз биринчи гурухдан жой эгаллайди. Иккинчи гурухдан эса биз фаолиятимиз давомида ўзимиз ва ходимларимиз билан амалга оширадиган муносабатимиз, уларга яқинлашиш учун, кўпроқ фойда келтириш учун қиласиган хатти-ҳаракатимиз саналади. Бу турда кўп ҳолларда нафақат сўз ёки, муносабат билан балки мимиқамиз, ўзимизни тутишимиз ва ҳаттоқи табассумимиз тури билан ҳам мулоқотга кириша оламиз. Лекин бугунги рақамлашган жараёнда ёзма коммуникациядан оффлайн сухбатдан кўра кўпроқ фойдаланамиз. Айнан биз бир сўз билан ифода эта оладиган коммуникациямиз жамоатчилик билан алоқада бир неча турларга ажратилади. Уларнинг вай биридан фойдаланиш ва унинг самараси албатта аудиоторияни танлай билишга боғлиқ.

ПР да аудиоторияни тўғри танлаш бу марказдаги вазифа ҳисобланади. Френк Джекинс “ПР фаолияти кенг жамоатчилик учун эмас, балки, омма ичидан қаттиқ саралаб олинган гуруҳ вакилларига қаратилган”.<sup>56</sup> ПР фаолиятида маълумот, хабарларни шунчаки эълон қилиш эмас, уни саралаб олинган гуруҳ вакилларига улар кутган шаклда идеал ва улар билан мулоқот ўрнатиш мумкин бўлган тарзда бериш муҳим. Соҳа

<sup>56</sup> Jefkins F. Public relations. - L., 1992. - P. 61

доирасида ўзимиз хоҳлаган нарсани тақдим этишимизмас улар кутган маълумотни бера олишимиз билан ютуққа эриша оламиз. Бу ҳаттоки рекламадан ҳам муҳим.

Буюк Британияда 2000 йилларда такшилотлар ўзларининг мақсадли аудиоторияларини чукур таҳлил асосида ажратадилар. Ва натижада, 50-69 ёш оралиғидаги инсонлар - 12.5 миллион, 15-29 ёш оралиғидаги ёшлар эса - 10.75 миллион гурухга ажратиладилар.<sup>57</sup> Бу жараёнда уларнинг ёши, жинси, қизиқишлиари, оиласвий ҳолати, яшаш тарзи, барча-барчаси инобатга олинади. Биз учун керакли бўлган аудиоторияни аниқлаштириб олишнинг яна бир тури мавжуд. Бу ички ва ташқи кузатувчиларимизни белгилаб олиш. Юқорида санаб ўтилганлар кўп ҳолларда ички деб ўйланиши табиий. Лекин ундан әмас. Ички кузатувчилар ва бизнинг биринчи навбатдаги эътибор қаратишимиш керак бўлган инсонлар бу ташкилотдаги ходимлар. Айнан улар ички мақсадли аудиоториядир. ПР пайдо бўлгандан бери то бугунги қунгача ушбу жиҳат ўз исботини ҳар қадамда топиб келмоқда. "ЛУКойл" нефт компаниясининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими раҳбари А. Василенко: "Бўлимимизнинг ички муҳитига ташқи муҳит билан бирдек катта эътибор қаратамиз. Уларнинг иккиси ҳам бир-бирига боғлиқ. Биз ўзимиз учун кўп имкониятлар қилишга ҳаракат қиласиз. Айтайлик. Турли аксиялар, ходимлар ўртасидаги муносабат ва ҳ.к.

Инсон ўзини яхши ҳис қладиган аурани ярати олиши самарали ишланини таъминлайди. Шу сабабдан ҳам касаба уюшмамизнинг ташаббускорлик яратилиш маркази бизнинг бўлим ҳисобланади" дея таъкидлаб ўтган.<sup>58</sup>

Бугунги қунда АҚШ ПР мутахассислари ташқи мақсадли аудиоторияни аниқлаб олиш ва саралашда муҳим саналадиган жиҳатлар деб қўйидагиларни санаб ўтадилар:

1. Ҳудудий – бу алоқа ўрнатиш учун муҳим. Яъни хизмат кўрсатиш ёки етказиб бериш хизматини ташкил этиб бера олиш имкониятдан келиб чиқиб ҳудудга алоҳида қаралади. Бу нафақат давлат, балки шаҳар, туман, маҳалла ва ҳ.қ.лар ҳам.
2. Демографика – аниқ жинс, ёш, салоҳияти, таълим олганлик даражаси, оиласвий ҳолати, даромади.
3. Психологик – психологик тури, феъл-атвори, яшаш тарзи, уни қизиқтирадиган давралар ва атрофидаги инсонлар ҳақида.

<sup>57</sup> Георгий Почепцов. ПР для профессионалом. – 2005. – С. 295

<sup>58</sup> "Советник". - 1997. - № 11. - С. 9

4. Яширин кучи – реал ҳаётдаги ҳолатлари, муаммоларни қандай енгиши.

5. Лавозими – бу даромади, унинг ишдаги ҳолатига таъсир ўтказади.

6. Ички инсони – гурӯҳда лидер ёки ходим эканлиги, қарорни қандай қабул қилиши.

7. Аъзолик – қандай гурӯҳларнинг доимий вакили, қандай оммавий ахборот воситалари ёки интернет саҳифаларига аъзо эканлиги.

8. Мухокамадаги роли – бу жараёнда ўзини қандай туташи ва сўзларининг эшитилиши.

Аудиоторияни аниқ, чуқур таҳлил асосида белгилаб олиш муваффақиятли бошқарувнинг қалитидир. Шу билан бирга ортиқча ва самарасиз маблағ сарф қилишининг олдини олади. Франк Жеффкинс аниқланмаган қузатувчилар учун ишлаш ва бунинг бир қанча жиҳатларини санаб ўтган:

1. Саъй-ҳаракатлар ва беҳуда пул ишлатилади. Буларнинг эса натидага эришиш учун ҳеч қандай самараси бўлмайди.

2. Эълон қилинган биргина ахборотни аниқланмаган аудиотория таркибидагилар турлича қабул қилишади.

3. Қанча ва қандай харакат қилинмасин мақсадга эришиб бўлмайдиган ҳолатга тушиб бораверади.

4. Мижозлар кундан-кун камайиб, иш юргазувчининг иштиёқи ўлиб бораверади.<sup>59</sup>

Нишонимиздаги инсонларни саралаб олишда давлат органларинг ПР дастурларидан мисол қелтирадиган бўлсак, уларда қамров кенг ва аниқ белгиланган қолипга тўғри қелмайди деб айта оламиз. Лекин масштабни катталаштириб олиш орқали саралай оламиз. Бу борада 50-йилларда Америкалик тадқиқотчи Девид Рисман бизга керакли инсонларни танлаб олишнинг З асосий жиҳатини тақдим этган. Булар бир инсонга: анъанавий йўналтирилган, ички йўналтирилган ва таши йўналтирилган.

1. Биринчи турда унинг маданий меъёрлари нишонда бўлади. Унга таъсир ўтказа олиш имконига эгамиз.

2. Иккинчи турда у мослашган, ўрганган, шартсиз бажарадиган. Яъни содда қилиб айтганда, ёшлиқ даврида ота-онаси томонидан ўргатилган ва сингиб кетган одатлар, қарашлар.

3. Учинчи тури юқоридаларга қараганда кенгроқ, яъни атрофдаги тенгдошлари.

<sup>59</sup> Jefkins F., op. cit. - P. 64

Юқоридаги турлар орқали инсоннинг ўзига хос бўлган жиҳатлари, оиласда ўзгалардан ўзлаштириб олганлари ва унга таъсир ўтказаётганларнинг барига эътибор қаратилади.<sup>60</sup>

Чуқур саралаш орқали ажратиб олган аудиоториямиз билан коммуникацияга киришиш орқали ПР фаолиятни йўлга қўяшимиз. ПРни коммуникатив таъсир назарияси сифатида ҳам талқин қилишимиз мумкин. Шу ўринда савол туғилиши табиий. ПР нима сабабдан мулоқотга алоҳида эътибор қаратади? Чунки ПР мутахассислар томонидан, биринчи навбатда коммуникация ўзгарса унга қараб аҳолининг фикри ва қарashi ўзгаради. Ва улар айнан шу схема асосида ўз фаолиятларини олиб борадилар.<sup>61</sup>

Шу билан бирга ПРда мулоқот ўрнатишнинг бир қанча усуллари ҳам мавжуд. Булардан бири кузатувчиларнинг ўз тилида улар билан сухбат куриш. Бу ўзбек, рус каби тиллар инобатга олган ҳолда эмас, балки ҳар бир инсоннинг ўз тили ва юқорида айтиб ўтилганидек қадриятлари бор. Айнан шуларга асосланган ҳолда сухбатлашиш назарда тутилмоқда. Яъни ёзув услуби, тили, тасвир барчаси факат кузатувчига қаратилган ва уннг қизиқишлиридан келиб чиқиб ишлаб чиқилган бўлади. ПР доим янгилик яратиши талаб этилмайди. Шунчаки аввалдан инсонлар ҳаёлида бор бўлган, ўйланган ва керак бўлган нарсани тақдим этилиши, инсонларга енгиллик яратиши ҳам унинг тўғри ва стратегияга мос фаолият олиб бориб, жамоатчилик онгига муҳирланиши билан ҳам ПРни йўлга қўя олган дея баҳоланади. ПРнинг ёрдамида аҳоли билан мулоқотга киришишга сабаб бўлади. Қадриятлар ва йўналишлар бир бзлган муҳитда кузатувчилар билан қандай мулоқотга киришиш, ҳеч нимадан таниш бўлмасдан сухбатлашишдан анчайин самарали. Шу сабабдан ҳам ПР тасодифий ва аниқ бўлмаган мулоқотни мақулламайди.

Исталган хабар З кўринишида тайёрланиши мумкин. Булар: ёзма ёки оғизаки, визуал ва ҳодиса шаклидадир. Визуал ва ҳодиса кўринишидаги ахборот тушуниш, таҳлил қилиш учун осон бўлган кўринишлар саналади. Ёзма ва оғизаки мулоқот, ахборотни қабул қилиш жараёни актив жараён ҳисобланиб, уни тушуниш учун тил, сўз ўйинларини, иборалар ва метофраларни англаб олиб талаб этилади. Айнан уларни қабул қилиш жараёни осонлашгани сари, бирдамлик ва фикр алмасиши бу орқали эса олдинга силжиш кузатилади. ПРдаги мулоқотни ҳам айнан шунга қиёслай оламиз. Боб доирасида урғу бераетганимиз, бир йўналишни ва шу йўналишдаги инсонлар билан бир оқимда бўлиш муваффақит калити.

<sup>60</sup> Riesman D. a. o. The Lonely Crowd. - N.Y., 1955

<sup>61</sup> Георгий Почепцов. ПР для профессионалом. – 2005. – С. 297

Жамоатчилик билан алоқада ахолини түрт турга ажратишимиз мүмкін. Булар жониворлар мисолида қайд этилган бўлиб, товуслар, шерлар, сурикатлар ва кактуслар. Товуслар – доим янога бўлишга, омма ичида ажралиб туришга, энг камёб нарсалар соҳиби бўлишга ҳакарат қилувчилардир. Шерлар учун эса нарх эмас, балки сифат муҳим аҳамиятга эга. Сурикатлар – элқатори инсонлар тоифаси бўлиб, улар асосан ўрта даражадаги нарх ва сифатга рози бўлишади. Лекин нархи қанча паст бўлса шунча яхши. Энг арzonини ҳам ўзларига лойиқ билишмайди. Шу билан бирга улар оиласпарвардирлар. Кактуслар якка ҳолатда бўлишни ёқтиришади. Улар ўзлари билан ўзлари вақт ўтказишни хуш кўришади, кўпчилик улар учун нокулайликдир.

Юқоридаги тоифаларнинг энг кўпи билан иккитасини бир нуқтада жалб этиш имкони мавжуд, лекин ундан кўпини эмас. Ҳозирги кунда атрофимиздани ҳар бир бренднинг аниқ аудиоторияси мавжуд. Уларнинг ҳам аниқ белгилаган тамойиллари ва қадриятлари бор эканлиги сабабли ўз муҳлислари, харидорларига эга. Буни икки бренд Coca-Cola ва Pepsi мисолида кўриб чиқамиз. Coca-Cola оиласпарварлик, янги йил, бирдамлик, хотиржамлик ва юқори сифатни акс эттидари. Бу унинг қадриятлари. Ва ушбу бренднинг харидорларанинг ҳам қадриямлари айнан шундай. Аникроқ айтадиган бўлсак, юқоридаги тўрт тоифанинг иккисига; шерлар ва сурикатларга мос келади. Pepsi қадриятларига кўра ҳар бир йўналишдаги лидерларни, уларнинг қобилиятини ва зўр эканлигини кўрсатади. Бу эса юқоридгаи қолган икки тур товуслар ва кактусларга мос келади. Ҳар бир бренд ўзининг ПР технологиялари, стратегияси ва танлаган йўли орқали инсонлар онгига таъсир ўтказади. Тўғри берилган тарифлар ҳаридорларга онгли равишда мос келмаслиги мумкин, лекин онг ости доирасида булар асосли. Шу орқали ҳам биз, аниқ йўналиш ва тўғри коммуникация муваффақиятга эришишдаги йўл эканлигини яққол кўришимиз мумкин.